

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАХАБОВА МАХИНА АЗАТОВНА

**ИНГЛИЗ, ИТАЛЬЯН ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОР МАТНЛАРИДА
ГЕНДЕРНИНГ ТИЛ ВОСИТАЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 811.111' 276.3-055.1/.3:398
811.131.1'276.3-055.1/.3:398
811.512.133'276.3-055.1/.3:398

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Абдувахабова Махина Азатовна

Инглиз, италян ва ўзбек фольклор матнларида гендернинг

тил воситаларида ифодаланиши 3

Abduvahabova Mahina Azatovna

Language means expressing gender in the English, Italian and Uzbek

folklore texts 23

Абдувахабова Махина Азатовна

Языковые средства выражения гендера на материале английского,

итальянского и узбекского фольклорных текстов 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

The list of published works

Список опубликованных работ 45

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУВАХАБОВА МАХИНА АЗАТОВНА

**ИНГЛИЗ, ИТАЛЬЯН ВА ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОР МАТНЛАРИДА
ГЕНДЕРНИНГ ТИЛ ВОСИТАЛАРИДА ИФОДАЛАНИШИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil147 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tashgiv.uz ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида www.ziynet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маматов Абди Эшонкулович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Шахриёр Сафарович
филология фанлари доктори, профессор

Агзамова Дилдора Бахадиржановна
филология фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 20__ йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 20__ йил «__» _____ кунлари тарқатилди.

(20__ йил «__» _____ даги №__ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

Қ.П. Содиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филол. ф.д. профессор

А.Қуронбеков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигининг постмодернизм босқичида энг асосий эътибор тилнинг номинатив тизимига эмас, балки унинг социомаданий, прагматик ҳамда когнитив омилларини бирлаштирган интегратив тадқиқига қаратилган. Структур жиҳатдан турли тизимли тиллар дискурсологиясида жинсининг маданий-рамзий тавсифи, «эркаклик» ва «аёллик» каби тушунчалари билан характерланувчи «гендер»ни шахсининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини аниқловчи конструкт сифатида тадқиқ этиш долзарб илмий-амалий масалалардан бири ҳисобланади. Ғарбий Европа ва АҚШда тилдаги гендер омилнинг фундаментал тадқиқи ўттиз йилдан буён давом этиб келаётган бўлса-да, бироқ бугунги кунга қадар эпизодик (номунтазам) хусусиятга эга жинс социомаданий концептига доир ташкилий ва соф илмий масалалар олимларни тез-тез безовта қиляпти. Чоғиштирама аспектда ўзбек тилшунослигининг мавқеини кўтариш муҳим масала сифатида кун тартибига қўйилаётган бир даврда, фольклор матнларида алоҳида ўрин тутадиган гендерлик ҳодисаси ҳамда уни ифодаловчи лисоний воситаларни мукамал тадқиқ қилиш ўта муҳимдир.

Бугунги кунда дунёда лингвогендерология, лингводискурсология ҳамда фольклористика каби соҳалар замонавий андозалар билан ўз ўзини кенгайтирмоқда. Жумладан, турли жанрлардаги инглиз, итальян ҳамда ўзбек фольклор матнларида гендерликни ифодаловчи лингвистик воситаларни қиёсий ва чоғиштирама таҳлил қилиш; уларнинг матндаги фонетик, стилистик, прагматик мавқеи ҳамда когнитив-семантик хоссасини белгилаш, турли тиллар фольклор материалида учрайдиган гендерликнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлашга доир изланишларга эҳтиёж сезилмоқда. Гендер ёндашуви учун эркаклар ва аёллар ўртасидаги нафақат биологик ёки физиологик, балки маданий ва ижтимоий тафовутлар ҳам муҳимдир. Замонавий тилшуносликка «гендер» тушунчасининг кириши тилнинг турли омилларини янги ракурсда англаш имкониятини берди. Айниқса, гендернинг «социомаданий жинс» деб номланувчи янги дефинициясининг пайдо бўлиши билан ушбу омилнинг тадқиқот доираси тил тизимининг турли сатҳлари (лексик воситалар семантикаси, денотатив ва коннотатив маъно, когнитив ассоциациялар) томон янада кенгайиб борди.

Истиқлол йилларида ўзбек тилининг барча сатҳлари ва уларга оид бирликларни ҳар тарафлама ўрганиш ҳамда тавсифлаш бўйича кўплаб тадқиқотлар амалга оширилди. Айниқса, унинг грамматик қурилиши, ўзига хос табиатини аниқлаш, хусусан, тушунчавий жинс категориясини тавсифлашда муайян ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...таълим тизимини такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш» алоҳида таъкидланган¹. Бу борада инглиз, итальян ва ўзбек тилларидаги гендерликни ифодаловчи тил воситаларининг лисоний мавқеи ва вербал/новербал воқеланиш хусусиятларини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 08.02.2017. №28.

янги методологик тамойил ва замонавий мезонлар асосида очиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Юртимиз ижтимоий ҳаётида ушбу мавзуга бўлган диққат-эътибор аллақачон кўзга ташланганлигини давлат миқёсида қабул қилинаётган кўплаб фармон ва қарорлар, изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар мисолида кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралда «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5325-сон Фармони, 2019 йил 7 мартда қабул қилинган «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4235-сон Қарори, 2019 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари кўмитаси»нинг ташкил этилиши ҳамда республикада амалга оширилаётган тадбирлар аёллар масаласининг давлат сиёсати даражасига кўтарилганидан далолат беради. Бу эса жамиятимизда аёллар масаласига нафақат умумижтимоий, диний-миллий, балки лисоний жиҳатдан ёндашишни талаб этади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологияларни ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Гендерологиянинг шаклланиши билан гендер тадқиқотларининг чегараси нисбатан кенгайиб, назарий асоси ва эмпирик материаллари доираси анча бойиди. Ғарб социологиясига *гендер* термини Э.Оукли² ва Н.Земон Дэвислар³ томонидан киритилди. Г.Рубин жинс ва гендер тушунчаларининг фарқини изоҳлаб берди⁴, шу тариқа, «ижтимоий жинс» тушунчасини ифодалаш учун гендер (*gender*) термини қўлланила бошлади. Ўзбекистонда тилнинг гендер жиҳатларини тадқиқ этишга ўзларининг юксак ҳиссаларини қўшаётган олимлар гендер терминига қуйидагича таъриф бердилар. М.И.Расулованинг фикрига кўра, гендер бутунлай қотиб қолган тушунча эмас, балки у доимо инсонлар таъсирида ўзгариб туради ва у ижтимоий ҳаёт билан боғлиқдир⁵. Д.У.Ашурованинг таъкидлашича, тилшуносликнинг гендер йўналиши тилни эркак ва аёлларга хос бўлган ижтимоий ва маданий хусусиятлар билан боғлаб тадқиқ этади⁶. Кейинчалик эркаклар ва аёлларнинг коммуникатив

²Оукли Э. Пол, гендер и общество. – М.: Просвещение, 1972. – С. 225.

³Земон Дэвис Н. Возвращение Мартена Герра. – М.: Прогресс, 1990. – С. 208.

⁴Rubin G. The traffic in women: Notes on the 'Political Economy' of sex, in: Towards an anthropology of women. – NY: Monthly Review Press, 1975. – P. 157-210.

⁵Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. – Ташкент: Фан, 2005. – С. 206.

⁶Ашурова Д.У. Языковая категоризация гендерных стереотипов// М.: Языки славянской культуры, 2005. – С. 12-16.

хулқ-атворидаги хусусиятларни асословчи бир қатор изланишлар вужудга келди⁷, гендер стереотиплари шаклланишининг психологик механизмлари ишлаб чиқилди⁸, «рус миллатининг намунаси» сифатида талқин қилинувчи феминин фазилатлар кўрсатиб берилди⁹, ижтимоий-фалсафий асосда гендер тенглиги/тенгсизлиги муаммолари таҳлил этилди¹⁰, гендер масалаларига социомаданий тараққиёт омили сифатида баҳо берилди¹¹.

Ш.Сафаров, С.Боймирзаеванинг «Гендер тилшунослиги ва матн тадқиқи», М.Расулованинг «Жинс тушунчасининг турли тилларда ифодаланишига доир»¹², Ҳ.Дадабоевнинг ««Қисаси Рабғузий»даги аёл семали лексемалар хусусида»¹³, «Илк эски туркий тилда эркак жинсининг ифодаланиши»¹⁴, Э.М.Файзуллаеванинг «Тилшуносликда гендер тадқиқотларининг ривожланиш босқичлари»¹⁵ номли илмий мақолалари Ўзбекистонда гендер изланишларининг илк дебочаларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Тилшуносликда фольклор матнларига доир изланишлар XX асрнинг аввалидан бошланган. Фольклорда гендер тадқиқотларининг асосчиларидан бири Л.К.Ибрагимова «Гендер муносабатларининг тожик халқ эртақларида акс этиши» номли изланишида мунозарали фикрни ўртага ташлайди. Унинг фикрича, «ижтимоий – гуманитар фанлар майдонида гендер тадқиқотлари етарли даражада»¹⁶. Ушбу фикр асосида олиб борилган тадқиқотларни янада аниқроқ таҳлил қиладиган бўлсак, замонавий фольклоршуносликда бундай изланишларнинг етарли эмаслиги равшанлашади. Маълумки, гендер мавзусига фольклоршунослар адабиётшунослар ва тилшунослардан анча кейин мурожаат қилишган. Соф гендер муносабатларининг фольклоршунослик ва педагогикада воқеаланишига тадқиқотларига Н.Л.Пушкарёванинг¹⁷ изланиши,

⁷Коноваленко И.В. Роль гендерного фактора в коммуникативном поведении женщин и мужчин. Дисс.канд.филол. наук. – Омск, 2003. – С. 136.

Гетте Е.Ю. Речевое поведение в гендерном аспекте: Проблемы теории и методики описания: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Воронеж, 2004. – С. 16.

⁸Витлицкая Е.В. Лингвистическая репрезентация гендерных стереотипов в рекламе: На материале англоязычных и русскоязычных текстов: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Тамбов, 2005. – С. 20.

Манзуллина З.А. Языковая категоризация гендерных стереотипов: сопоставительный аспект: на материале русского и французского языков: Дисс.на соис.уч. степ.канд. филол. наук. – Уфа, 2005. – С. 176.

⁹Рябов Т.Б. Стереотипы и стереотипизация как проблема гендерных исследований// Культура. Общество.//Вып.1-2 (15-16). – М., 2003. – С. 120-139.

¹⁰Воронина О. А. Свобода слова и стереотипный образ женщины в СМИ // Знамя № 2, 1999 (<https://magazines.gorky.media/znamia/1999/2/svoboda-slova-i-stereotipnyj-obraz-zhenshhiny-v-smi.html>)

¹¹Кирилина А.В. Мужественность и женственность как культурные концепты// Методологические проблемы когнитивной лингвистики / Под ред. И.А. Стернина. – Воронеж, 2001. – С. 147.

¹²Расулова М. Жинс тушунчасининг турли тилларда ифодаланишига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1997. – №3. – Б. 66–69.

¹³Дадабоев Ҳ. «Қисаси Рабғузий»даги аёл семали лексемалар хусусида//Филология фани: янги аср муаммолари. –Тошкент, 2003. –Б. 125-128

¹⁴Дадабоев Ҳ. Илк эски ўзбек тилида эркак жинсининг ифодаланиши / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – №5. – Тошкент, 2011. – Б. 31–35.

¹⁵Файзуллаева Э.М. Этапы развития гендерных исследований в лингвистике// Гендерные исследования в отечественной лингвистике. – Тошкент, 2004. – С. 25-29.

¹⁶Ибрагимова Л.К. Отражение гендерных отношений в таджикских народных сказках: Дисс.канд. филол. наук. – Душанбе, 2004. – С. 170.

¹⁷Пушкарева, Н. Л. «Читаем сказки сквозь гендерные очки» (одна из методик гендерной педагогики) // Гендерные проблемы в общественных науках / отв. ред. И. М. Семашко. – М.: Институт этнологии и антропологии РАН, 2001. – С. 88-108.

фольклоршунослик ва тилшуносликда ифодаланишига С.А.Коновалованинг¹⁸ диссертацияси, фольклоршунослик, лингводидактика ва социологияда акс этишига Е.Здравомислованинг изланишлари¹⁹ мисол бўлади.

Фикримизча, соф фольклоршунослик доирасидаги гендер тадқиқотлари айтарли даражада кўп эмас. Устига-устак «лисоний гендершунослик» изланишларини «соф фольклоршунослик» ҳамда «фольклор-лингвогендер» изланишларидан фарқлашимиз ҳам керак, албатта. Масалан, С.С.Асиряннинг тадқиқоти кўпроқ фольклор-гендершунослик изланишлар гуруҳини ташкил этади²⁰, чунки ундаги бир бобда фольклоршунослик, аниқроғи, мустамлака Америка халқлари фольклори ҳақида сўз юритилиб, у социомаданий мулоқотнинг бир тури сифатида тадқиқ этилган. Е.А.Чернишованинг номзодлик диссертациясида тадқиқот объекти инглиз муаллифлик эртаклари бўлиб, изланиш фольклор тадқиқотлари чегарасидан чиқиб кетган ва соф гендер тилшунослиги доирасида амалга оширилган тадқиқотлар сирасига кирган²¹. Бунинг асосий сабаби муаллифлик эртаклари маълум бир муаллиф томонидан яратилган бўлиб, улар халқ оғзаки ижодининг оғиздан-оғизга кўчиб, кейинчалик ёзиб олинган маҳсули ҳисобланмайди.

Соф ўзбек тилида жинс тушунчасини ифодалашга оид изланишлар мавжуд бўлса ҳам, бироқ улар санокли даражада. Масалан, ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиш²² усуллари, ўзбек исмларида жинснинг тавсифланиши²³ га оид тадқиқотлар шулар жумласидандир. А.А.Морозованинг «Эркаклик ва аёллик гендер стереотипларининг лингвокогнитив тузилиши (испан тили мисолида)» мавзусидаги номзодлик диссертацияси²⁴, Г.Тлеумуратовнинг «Инглиз тили тарихида от сўз туркумининг деривацион тизимидаги жинс категорияси (аффиксация ва композиция мисолида)» номли номзодлик тадқиқоти²⁵, И.М.Тўхтасиновнинг «Бадий матнда кўшма сўзларнинг лингвомаданий ва гендер хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)» мавзусидаги номзодлик иши²⁶, Н.З.Насруллаеванинг «Инглиз тили фразеологик бирликлар семантикасида гендер концепцияси»²⁷ ҳамда «Инглиз ва ўзбек фразеологиясининг олам манзарасида гендер концептларининг шаклланиши»

¹⁸Коновалова С.А. Гендерная специфика выражения предикативных отношений в тексте русской народной волшебной сказки: Дисс.канд. филол. наук. – М., 2005. – С. 219.

¹⁹Здравомислова, Е. Гендерные стереотипы в дошкольной детской литературе: русские сказки / Е. Здравомислова, Е. Герасимова, Н. Троян // Феминистский журнал «Преображение», 1998. – № 6. – С. 65-78.

²⁰Асирян С.С. Гендерные аспекты моделирования образа женщины в американских фольклорных текстах: Дисс.канд. филол. наук. – Ставрополь, 2011. – С. 200.

²¹Чернишова Е.А. Гендерная категоризация объектов английском языке (на материале английской авторской сказки): Автореф. дисс.канд. филол. наук. – Тамбов, 2013. – С. 25.

²²Мусаева Ф.Т. Ўзбек тилида жинс тушунчасининг ифодаланиши: Филол.фан. бўйича PhD дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 52.

²³Бегматов Э. Исмларда жинс тушунчасининг ифодаланиши // Ўзбек исмлари имлоси (русчада ёзиш масалалари). – Тошкент, 1972. – Б. 365.

²⁴Морозова А.А. Лингвокогнитивные содержание гендерных стереотипов женственности и мужественности (на материале испанского языка): Дисс.канд. филол. наук. – Самарканд, 2011. – С. 177.

²⁵Тлеумуратов Г. Категория рода в системе деривации имен существительных в истории английского языка (на материале аффиксации и словосложения): Дисс.канд. филол. наук. – Нукус, 2011.

²⁶Тўхтасинов И.М. Лингвокультурологические и гендерные особенности сложных слов в художественном тексте (на материале английского и узбекского языков): Дисс.канд. филол. наук. – Ташкент, 2011. – С. 157.

²⁷Насруллаева Н.З. Инглиз тили фразеологик бирликлар семантикасидаги гендер концепцияси: Филол.фан. номз. дисс. – Тошкент, 2016. – Б. 230.

номли номзодлик докторлик диссертациялари²⁸ соф лингвогендерология соҳасига мансуб тадқиқотлардан саналади. Бироқ Г.И.Эргашеванинг «Турли тизимли тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар» мавзусидаги изланиши гендер дискурси терминлари таҳлилига бағишланган²⁹. Олиманинг «Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи» номли номзодлик диссертацияси³⁰ эса халқ оғзаки ижоди матнларининг бир қисми ҳисобланган паремиологик сатҳда амалга оширилган. Бироқ эпик фольклор матнларида маскулинлик ва фемининликни ифодаловчи тил воситаларининг қиёсий-типологик таҳлили бўйича махсус «фольклор-лингвогендер» изланишлари на инглиз, на итальян, на ўзбек тилларида қиёсий-чоғиштирма аспектда яратилган. Натижада, фольклор матнларида гендер манзарасининг кўпгина жиҳатлари, айниқса, замонавий тилшуносликнинг долзарб муаммолари билан боғлиқ қирралари жумбоқлигича қоляпти.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг истиқболли илмий тадқиқот ишлари режасининг «Тилшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқ равишда олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида лисоний воситалар орқали ифодаланган гендерликнинг универсал ва миллий-маданий хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фольклор матнларида кенг тарқалган гендерлик мотивлари моҳиятини очиб бериш;

эркак ва аёллар фольклор матнларининг коммуникатив, прагматик ва стилистик имкониятларини тавсифлаш;

эркак ва аёллар матнларида новербал коммуникатив воситаларни тадқиқ қилиш;

когнитив ёндашув орқали эркак ва аёллар матнларининг услубини ўрганиш;

альтернатив категорияларнинг «marriage/matrimonio/турмуш»

концептосферасининг гештальтлаш усули орқали тадқиқ қилиш;

«marriage/matrimonio/турмуш» концептосферасининг фрейм таҳлили орқали типологик ўзига хослигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз, итальян ва ўзбек фольклорининг эпик ва лирик турига мансуб матнлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида гендерликни ифодаловчи тил воситаларининг қиёсий-типологик ҳамда чоғиштирма аспектлардаги хусусиятлари ташкил қилади.

²⁸Насруллаева Н.З. Инглиз ва ўзбек фразеологиясининг олам манзарасида гендер концептларининг шаклланиши: . Филол.фан. бўйича фан докт. (DSc) дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 230.

²⁹Эргашева Г.И. Турли тизимли тилларда гендерга оид терминологиянинг шаклланишида лингвистик ва экстралингвистик омиллар: Филол.фан.докт.дисс. – Тошкент, 2019. – Б. 203.

³⁰Эргашева Г.И. Инглиз ва ўзбек тиллари фразеологизм ва паремияларида гендер аспектининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол.фан.номз.дисс. – Тошкент, 2011. – Б. 165.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда этимологик, қиёсий-чоғиштирма, статистик, дискурс ва когнитив-концептуал таҳлил, фрейм, прототиплар семантикаси ёндашуви ҳамда гештальт таҳлил методлари унумли фойдаланилди. Ҳар бир бандни ёритишда индуктив тамойил асосини ташкил қилувчи изчиллик, иерархик ҳамда тизимли ёндашувлар самарали қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида халқ турмуш тарзини намоён қилувчи воқебанд универсал ҳамда гендерликнинг этнологик миллий-маданий мотивлари далилланган;

эркаклар ва аёллар фольклор матнларида тилшуносликнинг фонетика, прагматика ҳамда стилистика каби соҳаларига мансуб лисоний воситаларнинг қўлланилишига кўра фаоллик даражаси фарқланган;

эркак ва аёллар фольклор матнларида мавжуд пантомимик, мимик, миремик ва фонацион новербал коммуникатив воситалар аниқланган;

эркак ва аёл концептосферасининг структур тадқиқи орқали иккала жинс матнларининг стилизацияси ва услуби ишлаб чиқилган;

инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида ёритилган Ғарб ва Шарқ халқлари турмушида жинслар роли, функциялари прототиплар семантикаси, фрейм, гештальт ва дискурс таҳлиллари орқали очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Ўзбек гендершунослигида илк бор гендер тадқиқотлари (қиёсланаётган ва чоғиштирилаётган тилларда социомаданий жинс тушунчаси ҳамда грамматик жинс категориялари) онтологияси ишлаб чиқилган;

тилдаги гендер омилини аниқлашда қўл келадиган турли методлар тавсия этилган;

инглиз, итальян ва ўзбек фольклоридида стилистик, фонетик, прагмалингвистик, лингвокогнитив воситалар асосида ўтмишда гендер муносабатлари, эркак ва аёлларнинг мавқеи ҳамда ўзаро муносабатлари қиёсий-типологик йўналишда ёритилган;

учала миллат фольклор матнларида аниқланган гендерлик тил воситаларининг турли соҳа (когнитив тилшунослик ҳамда когнитив семантика) методларини жалб этиш орқали фаоллик даражаси статистик ҳисоб-китоблар орқали тавсифланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқарилган хулосаларнинг ишончлилиги, муаммони аниқ қўйилиши, қўйилган фаразни исботланганлиги, фактик фольклор материаллари билан бойитилганлиги, таклиф ҳамда тавсияларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан амалиётда жорий этилганлиги ҳамда диссертация матнидан хорижий ва маҳаллий илмий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижалари ва илмий хулосаларидан гендер тилшунослиги доирасидаги илмий тадқиқотларни бойитишда, «Қиёсий типология ва таржима назарияси» ҳамда «Қиёсий тилшунослик ва лингвистик таржима масалалари» йўналишида илмий тадқиқот ишларини олиб боришда муҳим илмий манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади. Диссертацияда келтирилган таҳлиллар «Умумий тилшунослик», «Қиёсий типология ва таржима назарияси», «Стилистика ва матн

тахлили», «Назарий фонетика», «Когнитив тилшунослик», «Дискурс тахлили», «Лингвопрагматика» ҳамда «Назарий грамматика» фанларини тадқиқ қилиш тамойилларини янада кенгайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, ушбу тадқиқот натижалари гендершуносликка йўналтирилган махсус курсларни ўқитишда ўқув-услубий қўлланмалар яратиш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унинг нафақат ҳар бир боби, балки ҳар бир параграфини кенгайтириб, гендер тилшунослигига оид янги илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш мумкин. Бундан ташқари, диссертацияда қўлланилган ва таклиф қилинган методларни қиёсий ва чоғиштирма аспектда бажариладиган ҳар қандай илмий ишга татбиқ қилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз, италян ва ўзбек фольклор матнларида гендерликни ифодаловчи тил воситаларини тадқиқ этиш жараёнида олинган натижалар асосида:

гендерликнинг онтологик масалалари хусусидаги назарий ҳамда жинслар ижтимоийлашувининг шаклланишига доир амалий умумлашмалар, диссертация тадқиқотининг якуний илмий хулосаларидан «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасининг ишлаб чиқилишида ҳамда ЮСАИД ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилган «Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш» лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 13/1861-19-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тегишли хулоса ва тавсиялар гендерликка оид қонун ҳужжатларини лойиҳалашда асос бўлиб хизмат қилган;

фольклор матнларида азал-азалдан мавжуд гендерлик муносабатлари ва иккала жинс вакиллариининг социомаданий функциялари устидаги қиёсий таҳлиллардан ХТ-Ф2-004-сон «Ўзбек халқ педагогикаси ва фольклор анъаналари» мавзусидаги ёш олимлар фундаментал лойиҳасида фойдаланилди (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 89-03-1221-сон маълумотномаси). Натижада турли маданият фольклор матнларида гендерлик муносабатлари ифодаланган мотивларни таққослаш имконияти яратилган ва ўтмишда ғарб/шарқ маданиятида иккала жинс вакиллари турмуш тарзи ҳақида тушунча ва тасаввурлар шакллантирилган.

Учала миллат фольклор матнларидаги гендерлик муносабатлари талқин этилган мисоллардан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Чет тилларини ўқитишнинг инновациявий методикаларини ривожлантириш Республика илмий-амалий марказида 2015-2016 йилларда бажарилган ИОТ-2015-1-22 рақамли «Хорижий тиллар бўйича мультимедиа ахборот технологиялар базасини такомиллаштиришга оид дастур ва ўқув-услубий материаллар яратиш ва нашр этиш» мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 апрелдаги 89-03-1221-сон маълумотномаси). Натижада диссертацияда мавжуд иккала жинс коммуникатив хулқ-атворининг тафовутлари «Типологик тилшунослик» мультимедиа комплексининг грамматик жинс категориясига оид бандини яратишда хизмат қилган;

турли миллат фольклор матнларидан Тамара Хоним уй-музейининг халқ кўшиқлари жамланган экспозициясида фойдаланилган (Маданият вазирлигининг

2019 йил 24 сентябрдаги 01-12-10-4806-сон маълумотномаси). Натижада диссертацияда ҳозирги замон гендер муаммолари таҳлил қилинган бандлари асосли фактик маълумот сифатида музейнинг назарий маълумотлар базасини бойитган;

инглиз, итальян ва ўзбек лингвомаданиятлардаги гендер концептларининг структур тадқиқи ҳамда турли миллат эркак, аёл ровийларининг фольклористик оғзаки ва ёзма нутқ услубининг қиёсий-типологик тадқиқи ҳақидаги илмий натижалардан 2019 йил 30 мартда Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси томонидан ўтказилган «Инсон, миллат, тил: тараққиёт масалалари» мавзусидаги илмий-назарий семинарда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2019 йил 25 сентябрдаги 01-05-1609–сон маълумотномаси). Натижада, турли фольклор матнларида мавжуд Ғарб ва Шарқ халқлари маданияти ҳамда турмуш тарзи гендер концептларининг гештальт ҳамда фрейм таҳлил орқали очиб берилган;

гендер ва жинс тушунчалари, халқ оғзаки ижодининг тузилиши ва мазмун-мундарижасига оид назарий фикрлардан «Ўзбекистон» телеканалда тайёрланиб эфирга узатилган «Ассалом, Ўзбекистон!» кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2019 йил 9 апрелдаги 01-11-696-сон маълумотномаси). Натижада, «гендер» тушунчасига берилган турли талқинлар ҳамда тилшунослик тизимида унинг тутган ўрнини белгилашга доир маълумотлар ушбу кўрсатувнинг сценарийсини тайёрлашда асосий манба бўлиб хизмат қилган;

инглиз, итальян ва ўзбек фольклор матнларида эркак ва аёл жинсидаги шахсларнинг хулқ-атвор меъёрлари ва маросим фольклорида эркак/аёл характеристикаси ва культлари ҳақидаги бандлардан «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган «Таълим ва тараққиёт» радиоэшиттиришида унумли фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДУКнинг 2019 йил 7 майдаги O'zIR-S-90-сон маълумотномаси). Натижада радиотингловчилар турли маданиятларда фольклор матнлари мисолида эркак ва аёлларнинг ўзаро муносабатлари, ижтимоий роллари ҳақида маълумотга эга бўлганлар.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий мақола чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, буларнинг 15 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 164 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг далзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга тадбиқ қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳозирги давр гендер муаммолари таҳлили**» деб номланган биринчи бобида гендершунослик билан боғлиқ муаммолар талқин этилди. Шу билан бир қаторда, гендер тадқиқотларининг онтологик масалалари, лингвогендерологияда методлар муаммоси ҳамда фольклор матнларида гендер мотивлари тадқиқ этилди. Ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида гендер тадқиқотлари XX асрнинг иккинчи ярмида бойий бошлади. *Гендер* термини социомаданий феномен сифатида гавдаланаётган жинсни билдириб, унга биологик жинсининг муқобили сифатида қаралди. Анъанавий гендер тадқиқотларининг ўзига хос аҳамияти шундаки, уларда урғу кўпроқ социо- ва психолингвистикага берилиши аниқланди. Инглиз тилидан фарқли равишда, шарқий славян, шунингдек, француз ва италян тилларида *sex* (биологик жинс) ва *gender* (социомаданий категория сифатидаги жинс) тушунчалари фарқланмайди. Замонавий социологлар ва файласуфлар асосан инглиз тили асосида «жинс» ва «гендер» тушунчаларини қарама-қарши қўйишлари аниқланди. Шунинг учун ҳам гендер тадқиқотларига роман тилларидан кўра, герман тилларида кўпроқ эътибор берилиши маълум бўлди. Баъзи тиллар, жумладан, инглиз ҳамда туркий тилларда грамматик род категориясининг мавжуд эмаслиги *табiiй жинс ва родни ифодаловчи тил воситалари ўртасидаги ўзаро муносабатлар муаммосининг* пайдо бўлишига сабаб бўлди, ушбу муаммолар, энг аввало, тил сатҳларига таъсир қилиши тадқиқ этилди.

Жинсий тафовутларнинг инглиз тилидан аста-секин йўқолиб бориш жараёни X-XII асрларга бориб тақалиши аниқланди, бу жараён ўта мураккаб кечгани учун ҳам бир неча асрлар мобайнида ҳукм сурган. Ўрта инглиз даврида, тахминан, XII асрга келиб жинс категорияси от сўз туркуми, XIV асрга келиб эса олмош ва сифат сўз туркумлари доирасидан чиқиб кетди. Бундай йўқотишнинг асосий сабаби урғусиз позициядаги қўшимчаларнинг тенглашуви ва тушиб қолиши эди, натижада грамматик жинс категорияси бутунлай йўқолиб кетди. Инглиз тилида грамматик жинсдан фақатгина лексик ёки табиий жинс қолди, холос³¹. Грамматик жинс категорияси расман инглиз тили доирасида мавжуд бўлмаса-да, бироқ у бутунлай янги «гендер» парадигмаси кўринишида анъанавий тилшуносликка кириб, оммалашиб, ҳозир тилшуносликнинг замонавий соҳаси сифатида фанлараро кўприк вазифасини муваффақиятли бажаряпти. Италия тилида жинс грамматик категорияси мавжуд, у от, олмош, сифат, феъл ҳамда баъзи ёрдамчи сўз туркумларида грамматик, лексик ва

³¹Cross E.A. Fundamentals of English. – New York, 1927. – P. 285.

синтактик формантлар орқали намоён бўлади. Бироқ бугунги кунда инглиз тилидан кирган неологизм ҳамда ўзлашмалар итальян тили грамматикасига ўз таъсирини кўрсатиши аниқланди. Ўзбек тилида грамматик жинс категорияси мавжуд бўлмаса-да, гендер омили морфемик, лексик-семантик, синтактик, стилистик воситалар орқали ифодаланиши маълум бўлди.

Гендер тилшунослигининг умумфалсафий ва турли фан соҳаларидан ўзлашган умумилмий методларига тез-тез дуч келсак-да, бироқ фақат гендер тилшунослигига хос аниқ методларни ишлаб чиқиб, қўллаш ҳозирги замон гендер тилшунослигининг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолаётганлиги маълум бўлди. Умумилмий *ёндашувлар* (кузатувлар, эксперимент, моделлаштириш, таснифлаш, таҳлил ва унинг турлари), *метод-аспектлар* (тасвирий ва қиёсий); *умумфалсафий, умумилмий* (миқдор ва сифат методлари гуруҳи) ва *соҳанинг конкрет методларни* тилдаги гендер омилини тадқиқ қилиш учун тақлиф қилинди.

Диссертацияда халқ оғзаки ижоди, яъни фольклорнинг эпик (достон, эртак, афсона, ривоят, топишмоқ) ҳамда лирик (маросим лирикаси, меҳнат кўшиқлари, алла, болалар кўшиқлари) турига мансуб матнлар фаол қўлланилди. Гендер мотивлари фольклор матнларида муҳим ўрин тутди, чунки воқеалар сюжети албатта бирор макон ва замонда мотивлар ҳаракати орқали қурилишга эга бўлади.

Халқнинг ибтидоий тасаввурларига кўра, оппозитив нарса ҳамда ҳолатларнинг кучсиз қисми аёл жинсига нисбат берилди. Масалан, *қуёш эркак* (баъзан аёл), *ой аёл* (баъзан эркак) қабилидаги анъанавий тасаввурлар аниқланди. Бинобарин, тилимиздаги *она ер* гендер метафорасининг тарихий илдизлари ҳам ана шундай қадимий тасаввурларга боғланганлиги маълум бўлди.

Фольклор матнларидаги турли мавжудотларнинг биологик жинс бўйича сараланиши қайд этилди, асосан аёл персонажлар одамлар онгида салбий ассоциациялар уйғотади. Масалан, ирланд фольклорида *Баниши* номли эльф бўлиб, баъзида одамларнинг кўзига у оқ йиртиқ чойшабга ўранган, сочлари тўзиган кампир ёки қотмадан келган аёл сифатида кўринган. У қайси хонадоннинг деразаси тагига келиб увилласа, ўша хонадонда яқин кунларда ўлим бўлиши ирим қилинган. Шунингдек, инглиз фольклорида *Гвиллионлар* ҳам фақат аёл персонажлар бўлиб, Уэльснинг ёвуз тоғ эльflлари тарзида тасаввур қилинган. Улар сайёҳларни йўлдан адаштирган, қабилидаги хурофотлар мавжудлиги аниқланди. Шотланд фольклорида эса *Глаштитг* аёл персонажи мавжуд бўлиб, у ярим аёл, ярим эчки кўринишини олган. Италиян фольклори асосан денгиз афсонавий сюжети билан боғлиқ бўлгани боис Сорренто сувларида *мистик нозанин парилар* яшаб, улар аслида маҳлуклар бўлиб, денгизчиларни ўзларининг кўшиқлари билан мафтун этиб, денгиз домига тортиб, чўктирган. Шунингдек, итальян мифологиясида *Агуане* (тоғ ва қирларда яшовчи феърлар) кабилар фақатгина аёл жинсига мансуб деб тавсифланади. Ўзбек фольклор матнларида аёл жинсига мансуб *ялмоғиз, опалар* ёки *пари* образлари кўп ҳолларда салбий ассоциация уйғотиши маълум бўлди: *Парилар юз йиллаб умр кўраркан, парининг мушуктери либосини бўз отнинг челгиси орасига қўйганман...*(Бойвачча билан пари). *Қургур ялмоғиз кампирнинг русуми шундай*

экан: ҳар куни йигитнинг тиззасига бошини қўйиб, унинг қонини сўриб ётаркан. Ялмоғиз бирор кимсанинг қонини сўрса, беш-ўн кунда уни ўлдираркан (Ялмоғиз кампир).

Фольклор матнларининг яратилиши ҳамда оммалашшига ҳам жинс омилининг таъсир қилиши маълум бўлди. Ўзбек миллати маданиятида ёр-ёр ҳамда ўланлар ғарб мамлакатлари фольклоридан фарқли ўлароқ фақат ўзбек миллатига хос уникалия ҳисобланиши аниқланди. Оилавий-маиший маросим фольклори билан боғлиқ ўлан, ёр-ёрлар ва алла аёллар томонидан ижро қилиниши маълум ҳамда уларнинг мазмунида иккала жинс вакилларининг янги ҳаёт бўсағасига қадам қўяётгани алоҳида таъкидланади. Италия ва ўзбек фольклор маданиятидан фарқли равишда, инглиз маданиятида тадқиқ этилган барча алла мотивлари эркак ижрочилар репертуарига хослиги аниқланди. Хусусан, илк бор Мэтт Макгинн томонидан 1948 йилда ижро этилган шотланд кончиларининг «Куури Дуун» номли алласи, «Тууралууралуура» номли ирландча алла, Марк Ганн томонидан ижро этилган «Ухляяпсанми Мэгги» деб номланган аллалар эркак муаллифларига хос. Ўзбек фольклорида мотам марсиялари Ўзбекистоннинг чекка ҳудудларида эркаклар томонидан ижро этилиши, аёлларнинг ҳам ўз аския вариантлари мавжудлиги тадқиқ қилинди.

Айтишувларга асосланган фольклор қўшиқлардан ташқари воқеабанд фольклор қўшиқ намуналари ҳам мавжуд бўлиб, уларда воқеа ёки бирор ҳодиса устунлик қилди:

*Оқти, оқти, оқти
Аминахон оқти.
Ҳасан-Ҳусанлар билан,
Сойларга ботди.
Уни кўриб онаси
Билагидан тортди.
«Тортманг, онажон, тортманг»,
Деб сойга оқди.
Аминанинг ковушини
Сойлардан топди.
Қилган саёҳатлари
Қон бўлиб оқди.
Ғишт кўприк тагида
Уч кунча ётти.
Чилвир-чилвир сочлари,
Балчиққа ботди.
Ялли, ялли, ялли,
Яллинг боши.
Аминахоннинг ёнига ботган,
Сойларнинг тоши.*

Бу каби қўшиқларда асосан аёл қаҳрамонлар бошидан кечирган, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам содир бўлиб турадиган воқеа-ҳодисалар тасвирланиши маълум бўлди. Масалан, қўшиқ матнида Аминахон исмли қиз балоғат ёшига етиб, бир йигитнинг ёлғон ваъдасига ишониб, ҳомиладор бўлиб қолгани, буни онаси билиб

қолгач, қиз номусига чидай олмасдан ўз жонига қасд қилгани, уч кундан кейин унинг жасади кўприк тагидан топиб олингани ҳикоя қилинган.

Матнларда ёритилган барча воқеалар бевосита ушбу гендер мотивларига боғланган бўлиб, гендер мотивлари матннинг мазмун-моҳиятини очиқ беради, унинг яратилиш даврига ҳам қайсидир маънода аниқлик киритади.

Тадқиқотнинг **иккинчи бобида коммуникатив хулқ-атворнинг гендер омили** ҳақида сўз юритилди. Ушбу бобда иккала жинснинг оғзаки ва ёзма нутқида мавжуд мулоқот интеракциялари (кўчирма ҳамда муаллиф гаплари) стилистик ҳамда экстралингвистик нуқтаи назардан таҳлил қилинди. Олимлар шахс гендер параметрининг қанчалик муҳимлигини жонли нутқни таҳлил қила туриб англадилар: «...сўзловчининг жинси шахсият идентификациясида муҳим омил бўлиб хизмат қилади ҳамда у индивиднинг вербал ва новербал хулқ-атворида таъсир этади»³².

Семантик-стилистик нуқтаи назардан иккала жинс вакиллариининг ўз матнларида турли график-пунктуацион белгилардан фойдаланиши маълум бўлди. Инглиз ва ўзбек тилларидаги бир хил фольклор матнлари ўзаро қиёсланганда, эркаклар матнларида кўчирма гап асосан қўштирноққа олиниши (*Кўлдош ҳеч нарсага тушунмай индамасдан турган экан, «Сизга айтаман, тез бўлинг, отга мининг!» деб буйруқ қилибди*); феминин матнларида ҳар бир шахснинг нутқини ажратиш учун муаллиф гапи билан кўчирма гап ўртасида тире кўйилиши (*Кўлдош ҳеч нарсага тушунмай индамасдан турган экан, - сизга айтяпман, тез бўлинг, она мининг!- деб буйруқ қилибди*) аниқланди. Эркакларнинг ўз нутқларида кўчирма гапни муаллиф гапидан қўштирноқ орқали ажратиб кўрсатишларидан мақсад матнни тез тушунишлари учун услубий қулайлик яратиш эканлиги белгиланди.

Эркаклар ўз нутқларида вергулдан тез-тез фойдаланишади: *...so she pushed her and coaxed her and got her up, and tied a string round her neck, and passed it down the chimney, and fastened it to her own wrist/ Эркажон чидай олмасдан, тез чопиб уйга келибди.*

Аёл муаллифлар нутқида эса вергул тушиб қолади: *...so she pushed her and coaxed her and got her up and tied a string round her neck, and passed it down the chimney, and fastened it to her own wrist/ Эркажон чидай олмасдан тез чопиб уйга келибди.* Эркак сўзловчиларнинг аёлларга қараганда вергулдан кўпроқ фойдаланишларига сабаб ёзма нутқни ихчам шаклда баён этиш ҳамда ўз муносабатларини тўлароқ ифодалаб китобхонга тушунтиришдан иборатлиги илк бор қайд этилди.

Иккала жинс вакиллариини тасвирлаш жараёнида жинс маркерли сўзлар қўлланилишига гувоҳи бўлдик. Бу каби бирликлар жинслар хулқ-атвор стереотипларининг тилдаги ифодаси ҳисобланганлиги учун жинс категорияси мавжуд бўлмаган тилларда нейтрал-бетараф сўзларни жинсда маркерланишига сабаб бўлади. Масалан, *a constitution of body naturally vigorous and powerful; gentle manners; raven hair; stalwart in the prime of life; on fine black steed, with all the gay young huntsmen, who rushed over the field, like a flash of the storm wind/*

³²Homberger D. Mannersplechter- Frauensprache: Ein Problem der Sprachkultur?// Muttersprache, 1993. – P. 200.

dalla lunga barba (узун соқол билан)/ шароб ичибди, кайфини чоғ қилиб, маст бўлиб йиқилибди; баҳодирликда донг чиқарган экан; от-аслаҳали бошида заррин дастор, белда тилла камар, унга қилич боғлаган; ошиқ-у беқарор бўлиб қолибди; ҳунарга кўп қизиқибди, устахоналарга бориб, дурадгорлик, милтиқ ясаи, қилич ясаи ишларини ўрганибди; отини ўйнатиб кетибди каби синтактик стилистик воситалар эркаклар сифатини очиб бераётганлиги яққол англашилган.

Yellow dowdy; pretty coquette, hair twisted in plaits hung down behind; kilted her petticoats; the spinning-wheel and distaff; grasp the long yellow locks, which lay like hanks of gold upon the water; ... was the theme of many a song / bionda e fiorente (малласоч ва гулдай очилган), *capelli immense* (поёнсиз узун сочлар); *più sdegnosa del mondo* (жуда ҳам димоғдор); *abbagliante della Bella dalle Chiome Verdi* (кўзни қамаштирадиган даражадаги яшил сочли соҳибжамоллар); *andò a letto strappandosi i capelli* (сочларини юларди); *annegare nelle lacrime* (ўз кўз-ёшига ўзи ботди); *una vocina sottile* (нозик сокин овоз)/ бадани оппоқ дурдай сўлув, икки қоши худди ёйдаи қайрилган танноз, қараган кишига гўё ўқ отадигандай, икки лаби пиёзнинг пўстидай юпқа ва қип-қизил, хипча бел, ўзи мисоли жаннатдаги ҳурдек, сочининг учи бориб тўптигига тегади, гўзалликда тенги йўқ; унинг ҳусни жамоли олдида ой хиралик қилар экан каби воситалар албатта аёлларни мадҳ этаётганини илғаш қийин эмас.

Матнлар таҳлили жараёнида иккала жинсни сифатлаб, тавсифлаб келган окказионал синонимик жуфтликларга ҳам дуч келдик, масалан: *with courtly demeanour* ≠ *with gentle manners*; *хушсурат* ≠ *соҳибжамол*, *Чўлпон юлдуздай* ≠ *Зухро юлдуздай*, *дурустгина кийинган* ≠ *бежирим оқ харирга ўралган*, *қадди шамшод* ≠ *сарви қад*.

Тадқиқот материали сифатида танлаб олинган фольклор матнларининг таҳлиллари шуни кўрсатдики, эркаклар ўз нутқларида кўпроқ боғланган қўшма гапларни қўллашга мойил эканликлари, аёллар нутқнинг мукамал ва турли иловаларга бойлигини таъминлаш мақсадида *Аралаш турдаги қўшма гаплардан* унумли фойдаланиши маълум бўлди. Эркаклар матни эргашган қўшма гап турларидан *Шарт эргаи гапли қўшма гапларга* бойлиги, шунингдек, аёллар нутқида улар бутунлай бошқа мақсад ва маънолар англатиши аниқланди. Айтилган фикрга қўшимча далиллар келтириш ҳамда иш-ҳаракатнинг қай тарзда бажарилганлигига кўпроқ урғу бериш мақсадида аёллар ўз нутқларида *равии эргаи гапли қўшма гаплардан* унумли фойдаланишлари аён бўлди. *Содда гаплар* турларидан ёйиқ гапларни асосан аёллар, *йиғиқ гапларни* эркаклар қўллаши аниқланди. Эркаклар нутқининг ўта содда ва равонлиги улар қўллаган сўз гаплардан англашилди.

